

ИХТИСОСЛАШУВ СУДЛАРГА НИМА БЕРАДИ?

Шу йилнинг 14 августида «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Президент Фармони эълон қилинган эди.

Фармонга кўра, 2001 йил 1 январдан бошлаб алоҳида фаолият кўрсатувчи жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил қилиниши кўзда тутилади. Шу тариқа суд ислохотларининг асосий тамойилларидан бири — судьялар иختисослашувига ҳуқуқий замин яратилади.

Тўғрироғи, бу ҳақида Президентимиз Олий Мажлисининг иккинчи чақирғи биринчи сессияси минбарига мулоҳаза юритиб, «Судларни иختисослаштириш, албатта, одил судловни амалга ошириш сифати ва теъкорлигини, энг муҳими, қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлайди», деб таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда судларни иختисослаштириш масаласи давр тақозоси бўлибгина қолмай, балки янгиланаётган суд тизимини такомиллаштиришнинг тараққийпарвар йўналиши ҳамдир. Хўш, бунга зарурат қандай вужудга келди?

Холисанило айтганда, судларга мурожаатлар борган сайн кўпроқ тус ола бошлади, судлов тизимида фуқаролик ишларининг салмоғи ва миқдори ошиб кетди. Масалан, 1990 йилда Бекобод шаҳар суди иш юритишига 108 та фуқаролик иши келиб тушган бўлса, 1999 йилда бу рақам 351 тага етди. Иш ҳажми ўсганлиги кўриниб турибди. Айни пайтда судлар жиноий, маъмурий, бошқа турли хил суд қарорлари ижроси билан

боғлиқ ишларни ҳам кўради. Ўтган 1999 йилда барча тоифадаги қўрилган ишлар сони 1990 йилга нисбатан 3,5 баробарга ошиб кетди. Бир судьянинг ўртача ойлик иш салмоғи 1990 йилда 3 тани ташкил этган бўлса, 1999 йилда бу рақам 9-10 тагача ўсди. Булар устига вилоят суди томонидан назорат ва кассация тартибда яна иш қўрилиши инobatта олинса, умумий иш ҳажми ҳақида тасаввур пайдо қилиш мумкин.

Биргина Бекобод шаҳар суди жараёнидаги ушбу ҳолатдан ҳам билса бўладики, судлов ишларини ўз вақтида ва сифатли қўриб чиқиш учун имконият етарли даражада бўлмай қолаётган эди. Шу боис фақат кассация тартибда қўрилган фуқаролик иш-

ри бўйича қуйи суд қарорларининг деярли 50 фоизи бекор бўлишига олиб келаётган эди.

Республика шаҳарлари ўртасида Бекободда ҳам судьяларнинг иختисослашув бўйича иш юритиши бир қадар синовдан ўтди, деса бўлади. Судьялар айрим тоифа ишларни кўришда тажриба тўлали бошлади.

Аксарият ривожланган давлатларда нафақат жиноят, фуқаролик ва маъмурий ишлар, балки уларнинг тоифаларига қараб ҳам одил судлов амалга оширилади. Масалан, оилавий низолар бўйича судлар, мерос ҳуқуқига оид низолар бўйича судлар, меҳнат низолари бўйича судлар ва ҳоказо. Фармонда маъмурий ишларни кўришчи судлар зимма-

сига юклатилганлиги айни мuddао бўлди. Таъкидлаш жоизки, 1999 йил давомида Бекобод шаҳар судига келиб тушган ишларнинг қарийб 66,5 фоизини маъмурий ишлар ташкил қилган. Чунки судьялар иختисослашув натижасида шtat бирлиги кўпаяди. Бу ҳолат суд ижрочилари сони ўсишига ҳам эҳтиёж туддиради.

Хуллас, суд ислохотининг такомиллаштириш, жумладан, судлар иختисослашувига асос солиниши билан шубҳасиз мамлакатимизда янада одил судлов жараёни вужудга келади.

■ **Абдурахим ТУРҒУНОВ,** Бекобод шаҳар суди раиси.

ТАШАББУС

ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

Шу йилнинг 17 октябрдан бошланган совуқ кун ўтган сари кучая борди. Ёмғир кетидан қор тушди.

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманлардаги мактаблар, болалар боғча-ясилари, касалхоналар, тиббий масканлар ва бошқа муассасалар қиш ойларида иситиш тармоқларининг узлуксиз ишлашину, шу билан бир қаторда ўтин билан ишлайдиган печларни тош-кўмир, суюқ ёнилғу билан таъминлашни яхшилаш мақ-

садада талаб тадбирлар амалга ошириляпти.

Ўзбекистон ХДПдан Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, шаҳар ва туманлар кенгашларига сайланган ҳар бир депутат узининг сайлов округларидаги мактаблар, болалар боғча-ясилари, касалхона,

поликлиникаларнинг қиш бўйи иссиқ бўлишини таъминлашни назорат қилиб туришадиган бўлишди.

Депутатлар назоратини аҳоли қўллаб-қувватламоқда.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕКОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири



томонидан эълон қилинган «Намунали корхона» кўрик-танловига қолиби бўлиш нияти бор.

Ойлик давомига ходимларнинг назарий ва амалий билимларини синаш мақсадига Самарқанд шаҳрида горнизон ўт ўчириш тактик машғулотларини ўтказмоқда.

Ойлик давомига ходимларнинг барчаси бу тадбирга жалб қилинган. Вилоятдаги Каттақўрғон, Пахтачи, Оқдарё, Темиръул туман мустақил ҳарбийлашган ўт ўчириш қисми ва давлат ёнғиндан сақлаш назорат бўлинмалари ҳамкасбларга ўрнак.

Суратларда: машғулотлардан айрим лавҳалар.

■ **Тоҳир НОРҚУЛОВ** олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 11 ноябрдаги фармойиши асосига Самарқанд вилояти ИИБ Ёнгиндан сақлаш бошқармасига кўлгича ишлар амалга оширилмоқда.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомига вилоят ҳуquуquдаги ва халқ хўжалиги объектлари ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш борасида кўрик-танловлар, викториналар, учрашувлар ташкил этилмоқда. Асосий эътибор газ-электр хўжалиги, иситиш мосламаларининг соз ишлатилишига қаратилган. Ёнғиннинг олдини олишга кенг жамoатчилик жалб қилинган.

— Бришши Американ табакко компаниясига



ХДП ХАБАРИ

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида навбатдаги «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлисдаги ХДП фракцияси аъзолари, олимлар ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«Давра суҳбати»да Олий Мажлис IV сессиясида кўриб чиқиш учун тавсия этилган, «Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетни тўғрисида»ги масалага доир, ҳужжатлар, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама асосий мавзу қилиб белгиланди. Дастлаб сўзга чиққан, мажлисни олиб борувчи, Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси, Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И. Қочмарик мазкур ҳужжатлар ва Қонун лойиҳасининг ахамиятига тўхталди.

Йигинда Бюджет асосий кўрсаткичларини шакллантиришнинг негизини ва юқоридан номи келтирилган Қонун лойи-


ҳасини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетни асосий кўрсаткичлари, Олий Мажлисдаги ХДП фракцияси депутатлари ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг Давлат бюджетини қабул қилиш, унинг тўғри бажарилишини назорат этиш масалаларидаги ўрнига эътибор қаратилди.

Йигилишда Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадов, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўринбосари Ж. Қўчқоров, Марказий банк раиси ўринбосари А.Қодиров, республика Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Э.Ғалоев депутатлар ҳамда «давра суҳбати» иштирокчилари саволига жавоб беришди.

«Давра суҳбати» таклиф ва фикрларга бой руҳда кечди.

■ **Ўз мухбиримиз**
Суратларда: «Давра суҳбати»дан лавҳалар.
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ХАЛҚАРО АУДИТОРЛАРНИНГ ЭЪТИРОФИ



Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти — ИКАО эксперт мутахассисларининг Ўзбекистонга ташрифи якунланди. Халқаро назоратчилар республика фуқаро авиацияси фаолиятига оид миллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар билан қизиқдилар, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш биравшмасида, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида, фуқаро авиациясида авиатъмирлаш заводида ва авиация техник мажмуасида, ўқув-машғулот марказида ҳамда Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Урганч аэропортларида бўлидилар. Бунда фаолиятнинг уч йўналиши — авиация ходимларига гувоҳномалар бериш, ҳаво кемаларидан фойдаланиш ва ҳаво кемаларининг учушига яроқлилиги синчиқлаб ўрганилди.

Текширув давомида парвозлар хавфсизлигини таъминлаш тизимини ва авиация халокатларининг олдини олиш механизмининг мавжудлиги, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш дастури кўриб чиқилди, мутахассислар билан суҳбатлар ўтказилди.

— ИКАО Ассамблеяси қарорига мувофиқ, унинг таркибига кирувчи 185 мамлакатнинг ҳар бирида шундай аудиторлик тек-

шируви ўтказилади, — деди гуруҳ бошлиғи жаноб Цезарь Кастило Варгас — Жаҳоннинг 85 мамлакатига комиссия ўтказган иш якунлари бўйича ҳужжатлар юборилди. Россия ҳам шундай текширувдан ўтди. Биз эса Ўзбекистонга келишдан олдин Украинада ишлагандик.

Делегациямиз аъзоларининг ҳар бири катта иш тажрибасига эга. Ўзбек ҳамкасбларимиз билан ишлаш ёқимли бўлди. Зеро, улар юксак даражадаги ўз ишининг усталари экан. Ишлаган кунларимизда рақобат эмас, балки ҳамкорлик руҳи ҳукм суради.

Халқаро назоратчиларнинг барчаси ўзбек фуқаро авиацияси учувчилари ва техник ходимларининг тайёргарлигига, республикада парвозлар хавфсизлиги даражасини ошириш бўйича қўрилаётган чораларга юқори баҳо бердилар.

■ **Алишер РЎЗИЕВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири

ҲАМ ЙИГИРАДИ, ҲАМ ТЎҚИЙДИ

Яккабоғ туманидаги энг йирик саноат корхона — тўқимачилик фабрикаси қурилганда, ип калавалари бошқа жойдан келтирилиши кўзда тутилган эди. Бозор иқтисодиёти шароитида турфа қийинчиликлар келиб чиқди. Биргина Бухоро ип-йиғирув корхонасидан ип калаваларини келтириш учун йилига 2 миллион сўм транспорт харажати сарфланмоқда. Бунинг устига хомашё ҳаминша талаб даражасида бўлавермайди. Бу ўз навбатида тўқилаётган мато — бўз сифатида таъсир қилмай қолмайди. «Яккабоғ тўқимачилик фабрикаси» оқиқ ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти ва муҳандис-техник ходимлари муаммони ўзлари ҳал қилишга киришдилар. Маблағ йўқлиги туфайли қурилиши тўхтаб қолган ип йиғирув цехини ишга туширишга аҳд қилишди. Қурилишга ишлаб чиқаришдан келаётган фойданинг бир қисми сарфланмоқда. Қурилишни тумандаги 230-механизациялашган ташкилот бинокорлари олиб боришяпти.

Янги цех келгуси йил ишга туширилади. Ишлаб чиқариш қуввати ошиши баробарида яна 200 киши иш билан таъминланади.

■ **Юнус УЗОҚОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири

Чўкаётган ёки оловда қолган одам ҳаммадан наҳот кутади. Гўдак кўзига яхши кўринган ёки унга ширинлик ҳаёда қилган ҳар бир кишига ишонади. Сиз-чи! Сиз кимга ишонасиз?

— Ҳеч кимга ишонмайман.

— Онамдан бошқа дўстин ҳам, сирдошим ҳам йўқ.

— Мен фақат ўзимга ишонаман.

Очиги, суҳбатдошларимга «Нима учун?» деган саволни беришга чўчидим. Уларнинг яраларига туз сепгим келмади. Минг афсуски, орамизда ишонч ўғрилариға йўлиққан кишилар бор. Эҳтимол, шу боисдан ҳам лоқайдлик, йел-фарқлик мавжуддир. Йўл четида ўтириб қолган киши ёнидан: «Тоби қочиб қолганмикин?... Ердан-пордан керакмасмикин?..» деб ўйлашдан кўра: «Отволган шекилли-да!» деб бепарвогина ўтиб кетаверамиз.

Аслида инсон инсонга ишонини керак. Шунинг учун ҳам одамлар қаддларини тик тутиб яшайдилар. Бир-бирларининг

— Худог а шуқр, ошна-оғайниларим кўп. Лекин дўст шундай киши бўлиши керакки, сен унга худди ўзингга ишонгандай ишонининг, у билан ўзинг билан ўзинг гаплашгандай эркин ва уялмай гаплашинг керак. Минг афсуски, менинг бундай яқин ки-

шима йўқ. Балки болалигимда айтгандирман, бироқ ҳозир биров билан сирлаш ёқтиришни ўзингга эп билмайман!

ИШОНЧ бахту саодатнинг қалқони, умримизнинг синчидири. Барбир кимгадир ишониб яшаган яхши! Чунки ишончини йўқотган кишининг кўнгли гўзалликни ҳис қилмайди, эзгуликни тан олмайди, яхшиларнинг қадрига етмайди.

«Ўтган кунлар» ёки

«Сангам» фильмларини қамада йигирма марталаб кўрган бўлсам керак. Ҳар доим фильм бошланаётганда бу гал охирида йиғламайман деб, аҳд қилману, лекин сўзининг урдасидан чиқолмайман. Беихтиёр кўзимдан ёш кўюлиб кетади. Биз этто

опасан» деган гаплар ҳам бор-да!.. Дарҳақиқат, айрим пайтларда, кимдир кимгадир берган қарзини ундирилмай қуйиб юганининг гувоҳи бўласиз. Қиёмат қарз тамғасини бўйинга олган қарздорнингмас — савоб излаб қарз берганнинг боши ҳам бўлади.

Оёқлари аро йўлда қолади. Охир оқибат ўша юзи қора билан рўпара бўлишдан безиллаб берган қарзидан — болаларининг ризқидан тўқан пешона терларидан воз кечиш кетиш даражасига боради. Бу — нима? Ишонувчанликнинг оқибати-да!.. Демак ҳар кимга ва ҳар нарсага шубҳа билан қараганлар бир жиҳатдан ҳақ экан-да! Эҳтимол, синов ва имтиҳон босқичларини ўтаган ишончгина ҳақиқий ҳисобланар!.. Ким билсин!

Яқинда таниқли бир олима билан суҳбатлашиб қолдим. Ёши қирқ бешларда. Оиласи, фарзандлари йўқ. Ўзи ниҳоятда иқтидорли, обрўли аёл. Ўша аёл кўйиниб: «Менинг бахтим

ишонувчанлигимда, бахтсизлигим эса эҳтиёткорлигимдадир. Мен ўзимга бўлган қаттиқ ишончин туфайли фан чўққиларини забт этдим, эп учун керакли инсон бўлдим. Бироқ ўзгаларга бўлган ишончсизлигим, эҳтиёткорлигим оқибатида кўп нарсадан маҳрум бўлдим. Чимилдик кўрмадим, алла айтмадим!» дейди.

Дарвоқе, меҳру-муҳаббатнинг чегараси бўлмасида, ишончининг ўз меъёри ва мезонлари бўлиши даркордир. Қийин! Қийин! Ишончини йўқотган кишига қийин! Негаки, алданган кимса фақат бир одамни берибди. Алданган, хиёнатга дуч келган инсон эса бирваракайига ҳаммага кўл силкиди. Ҳар қадамидан ҳадиксирашга, ҳар сониядан ёлғон кўтиб яшашга мажбур бўлиб қолади.

Очиги, хулоса чиқаришга қийналялман! Сиз нима дейсиз? Барбир ишониб яшаш яхши-да!

■ **Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,** «Ўзбекистон овози» мухбири

СИЗ КИМГА ИШОНАСИЗ?

ДИЛ ДАФТАРИ

Ўзимизни эртагу афсоналарга ҳам ишонтира оламиз. Лекин нима учун қаршимиздаги тирик одамнинг гапларига ишонмаслигимиз керак ёки нега улар кўзимизга тик қараб ёлғон сўзлайдилар!

Ҳақдиси шарифларда: «Қарз берганнинг савоби садақа берганикидан улугдир» деган яхши гаплар битилган. Лекин халқ ичиди: «Қарзни қўлинг билан берасану оёғин билан

МАЪНАВИЯТ — МИЛЛАТ ИСТИҚБОЛИ

Республика Маънавият ва маърифат кенгашида Президент Ислам Каримов сўзбошичи билан чоп этилган «Миллий истиқлол юзаси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида илгари сурлаган тушунча, тамойиллар ва ғояларни кенг ҳалқ оммасига содда ва раво услубда атрафли-

ча таҳлил этиб тушунтиришга бағишланган рисо- лалар тайёрлаб, «Маънавият» нашриётида «Воз- га ёрдам» туркумида маъруза матнлари сифати- да чоп этишни йўлга қўйди. Ҳозиргача бу туркумнинг кўйдаги рисоалари босилиб чиқди:

1. Зухриддин ХУСНИДДИНОВ. Ислам ва маърифат.	2. Султонмурод ОЛИМ. Миллий мафкура — халқ таянчидан куч.	3. Убайдулла УВАТОВ. Имом Мотуридий меросининг моҳияти.	4. Баҳодир ИРИСОВ. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид.
5. Муҳаммаджон ҚУРОНОВ. Мафкура, таъсирчанлик ва услуб.	6. Нажмиддин КОМИЛОВ. Ислам — маърифат дини.	7. Нарзулла ЖУРАЕВ. Мафкуравий иммунитет.	8. Шавкат КУРБАНОВ Эюм СЕИТХАЛИЛОВ. Национальная программа по подготовке кадров — неотъемлемая часть национальной идеологии.
9. Абдурахим ЭРКАЕВ. Миллий ғоя моҳияти.	10. Турсунали ҚЎЗИЕВ. Беҳод ва тамаддун.		

Улар маънавият ва маърифат мутасаддилари, олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими ходимлари, миллий ғоя ва миллий мафкура тарғиботчилари, ўқувчи ва талабалар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Тарғиботчи-ташвиқотчилар корхона ва муассасаларда, ўқув юртиларида, маҳаллаларда, ёшлар давраларида бу илмий-услубий нашрлардан фойдаланиб, шу мавзуларда маърузалар ўқиши, турли учрашувлар, давра суҳбатлари ва баҳс-мунозара кечалари ташкил этиши мумкин. Бу туркумда рисоалар чоп этиш изчил давом этади. Китобларни республика «Маънавият ва маърифат» мар- казидан олишингиз мумкин.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй. **ТЕЛ:** 139-05-30, 139-05-18.

Рўза тутмоқнинг гўзал бир фазилати саҳарлик он- ларидилар. Пайғамбар хожаимизнинг ҳадиси шарифларидан би- риди: «Тасоҳхуру фи анна фиссохурий баракатан», яъни, «Саҳарлик қилингиз, чунки саҳарликда баракат бор», дейилган. Бошқа бир ҳадисларда эса «Тасоҳху- ру валоб жиҳул илмои со- лавотуллоҳи алаал мута соҳхирийн» яъни, «Бир кўлтум сув бўлса-да саҳарлик қилингиз, зеро, саҳарликка турганлар ус- тидан оллоҳнинг раҳматла- ри ёғилади», дея таъкид- лаган.

Бу икки ҳадис устида фикр юритган одамнинг кўнглига албатта ранг-ба- ранг хаёллар келади. Ав- вало, саҳарлик қилган одам учун моддий-жисмон- ний баракат борлигини-ку тушуниш қийин эмас, уни озгина ўйлаган ҳар қандай одам айта олади: инсон са- ҳарлик қилгани турганда, шубҳасиз, озми-кўпми та- мадди қилиб олади ва бу унинг кундузи очлиги пайтида мадад бўлади, жисмониятидаги моддий етишмовчилик у қадар сез- илмай ўтиши учун куч- қувват бўлади. Бу, турган гапки, моддий баракатдир. Аммо саҳарликдан инсон- га аталган баракат фақат шугинамикин? Рўза ту- тишни ният қилаётган одам учун маънавий бара- кат йўқмикин? Менимча, инсон учун саҳарликнинг маънавий баракати ҳам бор ва бу баракат янада муҳимроқдир. Буни саҳар- ликка турган одамлар жу- да яхши ҳис қилишади ва яхши билишади: саҳарлик- ка турган одамлар туннинг гўзаллиги ва буюклигини кўрадилар. Бу — шундай юз беради: енгилгина еб- ичишдан сўнг киши уйдан ташқарига — кўчаларга, майдонларга, ҳовли ёки


кенгликларга чиқишни ихти- ёр қилади. Ташқарида маши- налар йўқ, бутун атроф-те- варақда жимжитлик ҳукмон. Ҳаво очиқ бўлса, осмонда ойнинг сирли-сирли ва май- ин нурлар тараб оҳишта сир- галишларини томоша қила- ди. Осмон худди пастлаган- га, юлдузлар эса яқин-яқин- ларга тўкилаётганга ўхшайди. Ҳаво очиқ бўлмаса, ую- маю оқ булутларнинг хилма- хил шакллари эътиборни тортади. Саҳар турган одам уларга қараб, турли ҳайвон- лар, дев юзли башараларни

яна бир кўрқув туйғуси ҳам қўшилиб ҳаяжонлана- ди. Арзиманган кичик бир муддат ичида бирон-та- бий офат ёки уруш ном- ли ижтимоий бахтсизлик ва ё душманлар фитниси туфайли бу гўзал олам вайронага айланиши ҳеч гап эмаслигини ҳаёлидан ўтказмади ва Оллоҳдан юрт омонлигини сўрайди ва биладикки Рабби ўзини тўзатмаган халқларга раҳ- мат ёғдирмайди. Шу онда у тақволи, пок, яхши ва фаол бўлишга аҳд қила- ди, шу тариқа унинг ус- тидан Оллоҳнинг раҳмат- лари ёғилади. Бу нима де- гани? Бу — унинг ҳаёти, халқнинг, ватаннинг ҳаёти маъмур, тўкин ва бой бўлади, деганидир. Агар ҳар бир инсон ана шундай пок, ҳалол, тўри ва меҳнатқаш бўлишни аҳд қилиб яшаса, давлатимиз устувор ва буюк бўлиши шак-шубҳасиз- дир.

■ Мирозиз Абъзам

ЁРУФ ҲАҚИДА РЎЗА ТУТМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

эслайди. Ва, ё қора булут- ларнинг ёв қувандек изғиш- ларига назари тушиб, улар қаерга, нима учун шошаёт- ганлиги тўғрисида ўйлайди. Яшамоннинг маъноларини билмоқчи бўлади. Ёмғирли кунлар бўлса, томчилар ши- тири, тарновлар тариллаши, дарахтларнинг тагларига том- чиларнинг йириклашиб ча- қиллаб тушишлари қулоққа антиқа бир мусиқадай ёқим- ли эшитилади... Қорли кун- лар оқликка бурканаётган оламини, қандайдир бир неча дақиқа ичида қутилмаган манзаралар яратаётган улғу- расомнинг бетакрор фаоли- ятини кўради. Хуллас, рўза кунлари йилнинг қайси фас- ли, қай мавсумида келмасин, саҳарликка турган одам, ал- батта, туннинг сурурбахш онларини ҳис қилмай қў- қмайди. Кундуз ҳеч қачон келмайдиган гўзал ҳиссиёт инсоннинг ички оламини ну- рафшон қилади. Манглай- га шундай олам, бемисл ма- кон битилганидан мамнун бўлади. Шу ер, шу осмон,



■ Турғунбек МАҲҚАМОВ олган сурат

ИЙМОН, ИНСОФ, САБР-ҚАНОАТ

Мехрибонлик уйнинг хо- димлари ҳалол ва баҳамжи- ҳат меҳнат қилмоқдалар. Ша- роитлар яхши. Бироқ она меҳ- рининг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Кўнгли кемтик бу болакайларнинг қувонч ва кулгуларида ҳам армон ва со- гинч излари яшринган. «Дам олиш кунларида ҳам хаёлим шуларда бўлади, — дейди тарбиячи Назира Ума- рова. — ҳудога шукр, уч на- фар фарзандим ва неварала- рим бор. Уш ишим билан

Ҳазрат Навоий ўзининг «Маҳбул қулуб» асариди «Ишқ» шунчалар қайсарки, унинг олдида подшоҳ ҳам, гадо ҳам тенг. У шундай зулм- корки, унинг қошида ифлос фосиқ ҳам, покдил ошк ҳам бир», дея ёзади. Дарҳақиқат, шундай. Ишқ дардига мубта- ло бўлганларнинг барчаси ожиз ва итлоғий бўлиб қола- дилар. Муҳаббат — энг улғу мураб- бий. Севган одам ҳаммага се- вимли бўлишга ва барчага яхшилик қилишга интилади, дейишади. Аммо минг афсу- си, муҳаббатни муҳаббатдай

МЕХРИБОНЛИК КЎЗЛАРИНГНИ ЕШИНИ АРТАЙ, БОЛАЖОН

Шикаста нигоҳлар наҳот сўра- ётгандек сўзсиз термулади- лар. Йиғлаб, инжиқлик қила- ётган бемор гўдакларни ову- тиб, кийимларини, тагликлар- ини алмаштираётган энага ва тарбиячиларнинг меҳру му- рувати ва сабру бардошлар- ига беҳиётёр таҳсин айтил- гиш келади. Бош тарбиячи Та- мара Камолова оҳишта тушу- тири кетди: «Энаганинг кўли- даги чақалоқ уч ойлик. Исми Мафтуна. Онаси ундан воз ке- чиб ташлаб кетган. Ўзи Бухо- рога аллақердан ўқишга кел- ган экан». Дарвоқе, муҳаббат бобида-

Мирзо Улуғбек туманидаги ХФ «VIKALE» ва МҶЖ «YUNA-FARM» корхоналари бан- кротлик ҳолатига тушганлиги сабабли кре- диторлар йилнинг 6 декабрь соат 9,00 да М. Улуғбек ДСИ 212-хонасида ўтказилади. **Тел:** 162-17-82.

АНА ШУНАКА ГАПЛАР

«Юлдуз»лар ўзи бироз эрка, тантқиқок феъли билан ҳам жозибалироқ тўлолади, чоғи. Шу маъ- нода Алла Пугачёва «тан- тқиқ малика» бўлса ажаб- мас. Бу билан унинг би- рор салбий томонини айтмоқчи эмасмиз. Алланинг бироз тантқиқ, чўртқесар, кўнгли очик, «ҳамиша баҳор» ички дунёси унинг «айтган»ла- ридан ҳам кўриниб ту- рибди. — Алла Борисовна, бир кун келиб саҳнани тарк эт- сангиз... — Кўрқманг, мен ҳеч қачон саҳнани тарк этмайман. Ма- бодо, «саҳна» мени тарк этса... Бунга йўл қўймайман! — Агар сир бўлмаса, ай- тинг-чи, Емельян Пугачёв сизга қариндош эмасми! — Айтман, сир менда бўлмайди, Сир... у ёйда — сейфда бўлади. Уруғларимиз- да Элиман бордир, лекин сиз қайсини айтияёсиз? Билмадим... Аслида бунинг менга дахли йўқ. Бугуннинг «Пугачёв»си- ман, шуни аниқ билман. — Эркалар ҳақида нима дея оласиз! — Эркалар... Эркалар ҳақидами? Топдим, мен улар ҳақида умуман уйламайман. Мен уларни қидираман. Алло, қанисизлар? Ҳа, ҳа улар кам қолган. Кам... Аммо биттаси «бор». — Эркалардаги қайси фа- зилатни қадрайсиз, қайси- сини ёқтирмайсиз! — Олийжаноблиқни, ҳа, ҳа бағри кенг ёлғани қадрлаган эркани қадрайман. Хотин- ларга ўхшаб майда гап қила-

АЛЛАНИНГ АЙТИШИЧА...

диганларни жиним ёқтирмай- ди. Эркамисан, эркак бўл! — Аини пайтда Филипп би- лан муносабатларингиз кўпроқ оилдан кўра «иш- билармонлар шартнома»си- га ўхшаб кетадими! — Улсин энди «шартнома», етти йилга чўзилмай. Йўқ, биз Филипп билан «бир оила»миз. Қачондир бу ҳақда «Энг бахтли онларим», дея эсда- лик ёзаман. Узр, қистовга ол- манг, ҳозир вақтим зик, қўшиқ, қўшиқ, қўшиқ ай- тишим керак. Мен яшашга шо- шаяман. — Бугунги эстрада қўшиқ- чилигимиздан кўнглингиз тўлаптими! — Азизим, менинг кўнглим тўлиши умуман шарт эмас... Элингиз кўнгли тўлса, бас. — Алла Борисовна, нега доммо шляпа, парик киясиз. Ахир... — Ахир-пахирни йўқ. Мен- га шу ёқади. Қолаверса, бошқа ҳеч бир «юлдузга» кеч қонимлар шунчалик ярашмайди. Шунга. Тамом, вассалом. — Янги асрни қандай кай- фиятда кутаясиз! — Қани, ўзингиз айтинг-чи, қачон менинг кайфиятим «бу- зилган», мен ҳамиша баҳор- ман!

■ Саида БОНУ тайёрлади

БОШ МУҲАРРИР
Азиз СУЙОН

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қоқоқбой ИУЛДОШЕВ
Ислам ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимкул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Узбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сўбат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибиат — 133-21-43
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқанда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТВОУТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Алшер РЎЗИЕВ

Газета «Узбекистон овози»- нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи
Икромжон ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўттиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Узбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 702

Топшириш вақти — 21.00.
Топшириш — 1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА